

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 35 (10.340)

2005 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛЬ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

XXI саҳоси
Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2004 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислох қилиш ва эркинлаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» омили маърузасида 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий якунларига тўхталар экан, ўтган йил бўйича ўн осон кечмаган бўлса-да, эришилган ютуқлар барчамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Авваламбор, иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макросиёсий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини кўпайтириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, товар ва валюта бозорларини эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни кенг жорий этиш тўғрисида ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ижобий ўзгаришларга эришилди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди ва ўтган йил якунлари бўйича 7,7 фоиз ўсди. Саноат ишлаб чиқариши — 9,4, истеъмол товарлари ишлаб чиқариши — 13,4, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши — 13,8, чакана товар айланмаси ҳажми — 4,7, асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ўсиши 5,2 фоизни ташкил қилди. Макроиктисодий барқарорликка эришилди. Истеъмол нархлари инфляцияси 3,7, давлат бюджетте тақчиллиги 0,4 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш тизими тубдан ўзгарди. Ушбу тизимда етакчилик роли фермер ҳўжалиқлари ўта бошлади. Бу, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 10,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Экспорт ҳажми кескин ортиб, 1,3 баравар ўсишга эришилди. Бу эса 1037 миллион АҚШ доллари миқдорига ижобий сальдонига таъминлаш имконини берди. Айни вақтда тўғрив маҳсулотлар экспорти 52 фоиз ўсди.

Давлат муассасаларининг ортиқча ва бир-бирини такрорлайдиган функцияларига барҳам бериш борасида сезиларли ишлар қилинди. Давлат бошқарувининг 20 га яқин органидини тугатиш ва қайта ташкил этиш, бошқарув аппаратларида 40 минг штатни қисқартириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги ролини муайян даражада камайтиришга муваффақ бўлинди. Айни пайтда ҳомашё ва материалларнинг стратегик турларини биржа ва кимошди савдолари орқали сотишнинг бозор механизмига такомиллаштирилмоқда.

2004 йил давомида инвестиция фаолли-

ги суръатлари тезлашди. Инвестиция ҳажми 5,2 фоиз, шу жумладан тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестициялар 2 баравардан ортиқ кўпайди. Ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига 130 га яқин йirik саноат, коммуниқация ва инфратузилма объектлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий ўсиш, янги иш ўринларининг кўпайиши ва истеъмол нархлари инфляцияси даражасининг пасайиши аҳолининг реал пул даромадлари 15 фоиз ўсишини таъминлади. Мухим ижтимоий дастурлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Меҳр ва муруват йили», болалар спортини ривожлантириш, соғлиқни сақлашни ислох қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг мўлжалланган параметрлари ва бошқа мақсадли чора-тадбирларнинг бажарилиши аҳолининг турмуш шароитини анча яхшилаш имконини берди.

Шу билан бирга, мажлисда ўтган йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жабҳасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги танқидий таҳлил этилди. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иқтисодиётни янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, аиникса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида мавжуд ғов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминламади.

Хусусийлаштириш жараёнига инвестицияларни, илғор технологияларни ва замонавий бошқаришни жалб этиш мақсадида хорижий инвесторлар билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали тизими яратилмади. Банк соҳасида иқтисодий ислохотлар суств амалга оширилмоқда. Солиқ тизимини тубдан такомиллаштириш зарурати етилган, хусусан, соҳада кадрлар билан ишлашни ташкил этиш замон талаблари даражасида эмас.

Жойларда ерларни ажратиш ва фермерларни танлаш бўйича ошқора бўлмаган тартиботлар амалиёти ҳамон ураб турибди. Йўй-коммунал ҳўжалигида ислохотлар қонирсиз амалга оширилмоқда. Монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш ва рақобатли тадбиркорлик муҳитини яратиш жараёнларида ўз ўрнини топмади. Кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишга қўмаклашиш тизими ташкил этилмаган.

Мажлисда вазирлик ва идораларда, ҳўжалик бирлашмаларида сақланиб қолаётган бюрократик услуб, раҳбар ходимларда олдинда турган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун зарур масъулият ва омилкорликнинг етишмаслиги мавжуд нуқсон ва камчилик-

ларнинг асосий сабаби эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ҳукуматнинг янги таркиби билан Оқсаройда ўтказилган йиғилишда сўзлаган «Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди» мавзусидаги нутқида таъкидлаганидек, ҳозирги кунда ислохотлар тақдирини, аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт. Шу маънода, мажлисда раҳбар ходимлар ўзлари бошқарадиган соҳа ёки ҳудудларда ислохотларнинг тўла амалга оширилиши учун шахсан масъул эканликлари яна бир бор ўқтирилди.

Йиғилишда баҳорги дала ишларига ўз вақтида тайёргарлик қўриш, белгиланган муддатларда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари билан кредит битимлари тузишни тугаллаш, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини тегишли шартномалар асосида ёнги-ройлаш материаллари билан таъминлаш, қўлмаги агротехника тадбирларини ўтказишда ишлатиладиган барча қишлоқ ҳўжалиги техникасини тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўн кун муддатда Парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ва Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган талабларга асосан иқтисодиёт тармоқларида, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг боришини танқидий қўриб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишни таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди. Қўрилган масалалар юзасидан Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажонов, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги вазирлиги С.Исмоилов, Бухоро, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳокимлари С.Хусенов, У.Ҳамидулов, И.Нажмиддинов, К.Тулаганов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗА

**ПОЙТАХТНИНГ
Бир кунли**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **БЕКТЕМИР** туман Марказий кулбонасида «Бектемир» маҳалласи фаоллари иштирокида бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбир «Бола бошидан» деб номланди.

● **БУГУН** Миробод туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшима чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туман

ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида фаоллар иштирокида ўтказилган тадбир аёлларнинг ҳуқуқий савдоҳўлигини оширишнинг аҳамиятига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Яққасарой туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан фаол аёллар иштирокида уюштирилган семинар Сихат-саломатлик йилгига бағишланди.

● **КАМОЛОТ** ёшлар икти-

мой ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ташаббуси билан ЎТГАН куни Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида «Маҳалланам намунали қизи» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетига талабалар, ўқитувчилар иштирокида Ойбек таваллудининг 100 йилгига бағишланган адабий кеча ҳамда концерт дастури ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Жаҳонда

● **Ўзбекистон Республикасининг** Бельгия қироллигидаги элчиси Владимир Норов Бельгия қироли Альберт Иккинчига ишонч ёрликлари топширди.

● **Грузия** парламенти ўзининг навбатдан ташқари йиғилишида Бош вазир Зураб Ногаидели бошчилигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.

● **Ироқнинг** Сайлов бўйича олий комиссияси раиси Абдул Хусайн ал-Ҳиндавий мамлакатда 30 январь куни ўтказилган парламент сайловлари натижалари тасдиқланганлигини маълум қилди.

● **Таиланднинг** Сангай Колок шаҳрида машинага ўрнатилган бомбанинг портлаши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 40 нафар одам жароҳатланди.

● **Шу** пайтгача роботлардан маълум ҳаракатларни амалга оширувчи хизматкор сифатида фойдаланилар эди. Жанубий Корейнинг Янги технологиялар институту профессори Ким Жон-Хван ўзи яратган роботага инсонларга хос ДНК ўрнатишга муваффақ бўлди.

«Хурматли тахририят, газетангиз саҳифасида бериладиган ичкиликбознинг аччиқ қисмати тўғрисидаги мақолаларни ўқиганимда ҳаётимда ўчмас из қолдирган бир воқеа кўз ўнгимда яққол жонланади. Энг яқин дўстимнинг бевақт ўлимида гуноҳим борлигини эсласам, ўзимга-ўзим ёмон кўриниб кетсам, афсус-надомат чекаман.

Тўғри, мен ҳам жазодан қуруқ қолмадим, қўлмишимга ярашасини олдим. Лекин ҳозир яна оилам бағридаман, ота-онани хизматиданам. Дўстимнинг ота-онани эса ёлғиз, улардан тез-тез хабар олиб тураман, керагида қол-қамирга зарур ёрдамимни бераман. Лекин ҳар гал қари-яларни кўрганимда ярам янгилади. Гарчи улар гуноҳимни аллақачон кечириб юборган бўлсалар ҳам мен ўзимни-ўзим кечиролмайман.

Ҳикмат БҮРИЕВ
хизматчи»

ҲАЁТ ОҒУСИ

...Уша куни иш соати тугаши олдида Кабир Одилжонга телефон қилди.

— Табриқлашнинг мумкин дўстим, ўғилчалик бўлдим, ота бўлдим, — деди у зўр ҳаяжон билан.

Одилжон қувончдан бир зум қотиб қолди. Сўнг дўстини самимий қўтлади. Улар келишилган жойда учрашди.

— Қувончдан ёрилиб кетай дедим. Бугун мен учун энг бахтли кун. Тўғрими? Шундай экан, бир улфатчилик қилайлик. Йигитларга ўхшаб ресторанга кириб, суҳбатлашайлик, — деди Кабир.

Ахир шундай бахтиёр кунда дўстинг, дўст бўлганда ҳам энг қадрдонингнинг раёини қайтариб бўлармиди?

Улар гап-гап ресторандан ўрин олишди. Бюртма таомлар рўйхатидан ароқ ҳам жой олди. — Кераги йўқ эди, ахир сен ҳам ичмайсанку, — эътироз билдирди Одилжон ўртадаги шисани кўриб.

— Бугун ичса арзийди, ичмаслик гуноҳ, — деди Кабир жилмайиб.

Хуллас биринчи қадаҳ янги тугилган фарзанд учун, ёш ота-онанинг бахти учун кўтарилар экан, Кабир қўшимча қилди:

— Айтиб қўй, агар тагида қолса, хафа бўлман.

Улар қадаҳларни тоза бўшатишди. Гап-гапга уланди, қўйди. Кеча охирида хушмуомала хизматчи йигитларни аранг қузатди.

— Тўхта, олдин меникига кетдик. Кейин сенкига машина билан борамиз. Ахир «Жигули» ни дўстларга хизмат қилиш учун олганмиз-да, — деди Кабир мастлик билан.

Улар қизгин суҳбат билан Кабирларникига етиб келишганда соат туни бирдан ошган эди. Кабир қўйрада-қўймай машинасини гараждан олиб чиқди.

— Утир, олиб бориб қўяман.

Янги «Жигули» текис асфальт йўлдан ўқдек учиб кетди. Кабир тинимсиз сўзларди. Одилжон унинг гапини эйтиб-бериб тингларди. Ҳозир ҳамма нарса унинг кўзига гўзал ва жо-зибали бўлиб кўринар, шаҳар кўчалари, тур-нақатор иморатлар, ҳов анави чироқлари ялтираб турган телемонира ҳам, кўча четигада дов-дарахтлар ҳам, хуллас бутун бориқ кўркам ва файзли эди, унинг учун. Яшаш нақадар гаштли.

Қутилмаганда машина кескин бурилди. Сўнг бир нарсага қаттиқ урилиб, ёнбошига ағдарилди. Атрофини бензин ҳиди аралаш тутун босди.

Тун оромини бузиб бир зумда «Тез ёрдам» етиб келди. Хўшсиз ҳайдовчи билан хамроҳи-ни касалхонага олиб кетди. Алламҳалда Кабир кўзини очди. Бир дам алангад ётди-да, хушини тўплаб тепасида турган ҳамширадан сўради:

— Одил қани?.. Худди шу вақтда Одилжон ёруғ олам билан абадий хайрлашган эди. Унинг боғи орзу-армонлари, истақ ва ҳаваслари шундай ҳавллага гича қолди.

Ушбу мактуб тафсилотини ҳикоя қила туриб, ўз ҳаётимда юз берган бир воқеани беихтиёр эсладим. Бу кўрғулик ҳам ичкилик оқибатида рўй берган эди.

Кечки пайт уйда телевизор кўриб ўтирдим. Болалардан бири кўчада биров чақираётганини айтди. Тез чиқдим. Мактабдош дўстим Сайфулла. Кўзларимга ишонмайман. Қадрдонинг билан бир неча йил кўришмасдан туриб, тўсатдан юзма-юз келсанг, эсанкираб қоларкансан. Кўчқлашиб кўришдик. Ундан ичкилик хиди ақирди. Кўнглим бир хил бўлиб кетди. Хол-ахвол сўрашгандан кейин уйга тақлиф қилдим.

— Раҳмат, яхши тўйларда кирармиз, — деди у тақлифимни рад этиб ва бир зум жим қолди. Унинг менга тикилган кўзларинда қандайдир илтижо ва бир оз бесаранжомлик бор эди. Ниманидир сўрамоқчилиги қарашларидан сезилиб турарди.

— Хизмат, — дедим мен ниҳоят. — Э дўстим, айтмишга тилим ҳам бормайди. Шунча йил кўришмай, энди зарур вақтда керак бўлиб қолибман-да, деб ўйларсан балки. Нима қилай, шунга мажбур бўлдим. Эски қадрдонимиз-ку ахир. Очқ гап, менга 50 минг сўм керак бўлиб қолди.

Нима деб жавоб беришни билмай бир мудат иккиланиб турдим.

— Бошимга ташиш тўшди. Ҳозир сўрама, кейин ўзим айтиб бераман. Лекин омонатингни узоғи билан бир ҳафтада қайтараман.

Истақни баҳо келтиришдан бошқа илоҳ йўқ эди. Ахир дўст бошига ташвиш тушганда қараб туриш инсофдан эмас-ку.

— Раҳмат дўстим, — деди Сайфулла пулни санамай чўнтакка соларкан, — аяши кунларингизда хизмат қилай.

У қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, жўнаб кетди. Ваъда қилинган бир ҳафта ўтди, у йўқ. Бир ой, икки ой, йил ўтди. Ҳамон Сайфулладан дарак бўлмади. Бир куни автобусда уларнинг яқин қариндошини учратиб қолдим. Етиги билан ўша гапдан оғиз очсам, у қотиб-қотиб қолди.

— Э ака-ей, хўп тушибсиз-да, — деди у ичаги узилгудек бўлиб, — сиздан инсоф билан сўраб-дариб-ку. Биздан машина оламан, деб 200 доллар олиб, ёб кетди. Уйга бориб пулни сўрасак: «Тўхмат қилма, сендан бир тийин ҳам олган эмасман», деди кўзини лўқ қилиб. Хўш, кимга ари қилайлик. Бировга айтиб бўлмасам, судга бериш учун қўлимизда далил йўқ. Кейин билсак, битта биз эмас, кўпчиликдан қарз олиб, тониб кетган экан, суллоҳ.

— Таъба, шу ўзимизнинг Сайфулла-я. Ахир у мактабда қандай одобли эди. Ҳамманинг ҳаваси келарди, яхши ўқирди.

— Ичкилик уни шу кўйга солди, — деди ҳамроҳим. — Эрталабдан бошлаб ичади. Яхши жойда ишларди. Ишдан ҳайдалди. Кўчадан бери келмайди. Хотинига қийин бўлди. Иккита бо-ласи билан жуда эзилгипти.

Ичкилик инсонни инсонлик қиёфасидан чиқариб юборишига ана шунда бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Ичкиликка муқассидан кетган одамларда на андиша, на иззат, на обрў қоларкан.

Бир куни кечки пайт оиламиз билан боғда сайр қилиб юрардик. Тўсатдан қаршимизда Сайфулла пайдо бўлди. У маст эди. Мен билан куюқ сўрашди.

— Қани юр, буфетга кириб юзта-юзта отайлик, — деди қўлимдан тортиб.

— Энди сен катта бўлиб кетдинг. Биз билан ичишга ор қилсанда-а? Майли бизгаям офтоб боқиб қолар.

Уринсиз гинадан кўнглим ранжиди. Хайр-маъзурни насия қилиб, аранг жўнаб қолдик. Орамиздаги қарздан на у оғиз очди, на мен. Хуллас пешона тери билан топган 50 минг сўм пулимиз «сувга уриб» кетганини шунда тушундим.

Бир куни Сайфулла тушлик пайтида тўғри ишхонамга кириб келди. Кўришиб туриб, йиғлаб юборди.

— Бошимга ташвиш тўшиб қолди. Ёрдам бер дўстим, — деди у хўнграб.

Бир куни Сайфулла тушлик пайтида тўғри ишхонамга кириб келди. Кўришиб туриб, йиғлаб юборди.

— Бошимга ташвиш тўшиб қолди. Ёрдам бер дўстим, — деди у хўнграб.

Яна пул сўраб келди чоғи, ўйладим ўзимча. — Хотиним, болаларим мени ташлаб кетиб қолишган. Бир йил бўлди. Болаларимни соғинаман. Борсам кўрсатмайди. Олдинга керак бўлсам, ўзи қайтиб келар деб юрдим. Энди эшитсам, хотиним турмушга чиқаётган эмиш, ахир мен болаларимиз қандай яшайман.

Ғишт қолипдан кўчган эди. Хотин: «Менга унақа уй ҳам, эр ҳам керак эмас. Беш йил тишимни-тишимга қўйиб яшадим. Болаларим етим бўлмасин дедим, лекин у нобакор билмади мени. Энди бахтимни то-пай деганда яна ўша уйга борамани. Овора бўлманлар», деб туриб олди.

Сайфулла аллақандай ғамгин, мунгли бўлиб қолди. Қараб туриб кишининг раҳми келади унга. Аммо начора, уни ичкилик еди.

Сайфуланинг кўзи очилди. Лекин кеч эди... Шу ўринда бир савол тугилади. Ахир юқорида ҳикоя қилинган воқеаларнинг содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку. Қўпинча шунча қила-миз. Фожеа рўй бергандан кейин унинг сабабини сурштирамиз. Минг афсуски, бу ҳақда олдиндан сира ўйламаймиз. Хаёллаш ҳатто қул-



лар ўтмишимизни бир зум кўз олдимишга келтирайлик. Ушундай «Ойнаи жаҳонда» биров ножиб, бепарда, беибо фильм ёки эшитириш кўрсатилса ота-онамиз дарҳол туриб телевизор муруватини бураб кўярди. Баъзида эса уятдан қизариб-бўзариб ўзимиз туриб кетардик. Ҳозирчи? Баъзи «маданий» оилалар шарм-хаёсиз сериалларни ҳам фарзандлари билан ёнма-ён кўриб ўтиришдан хижолат тортишмайди. Шундайларга бу ҳақда оғиз очсанг ҳеч тортинмас-

Бола — бегубор олам. У катталарга, айниқса ота-онага ўхшашга ҳаракат қилади, унга тақлид қилади. Бу табиий ҳол. Чунки уларда ҳали етарли билим, турмуш тажрибаси йўқ. Бир сўз билан айтганда яхши-ёмоннинг фарқи бормайди. Хўш, энди айтгинчи, бизнинг ахлоқ нормаларимизга қарама-қарши тарбия кўрган боладан келгусида нимани кутушимиз мумкин? Қобил фарзанд ҳақида кўп гапирарми-зу, лекин унинг тарбиясига етарлича ёндошмаймиз. Бунга истаганча ҳаётий воқеалардан мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бир ота-она дошизманддан: «Бизнинг ўғлимиз уч ойлик бўлди, унинг тарбиясига қачондан бошлаб киришимиз мумкин», деб сўрашди. Шунда дошизманд: «Бола тарбияси билан у уч кунлик бўлгандан бошлаб шуғулланиш лозим. Афсуски сизлар анча кечикибсанлар» деб жавоб берган экан.

Болага ҳали у мурғаклигини тўғри тарбия бериш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи. Бунинг учун ахлоқ-одобда аввало ота-онанинг ўзи болага ибрат бўлмоғи керак. Ана шундагина биз давримизга, замонамизга мос ва ҳос, ўз халқига содиқ, ўзи тугилиб ўсган муқаддас замин — Ватанига фидойий бўладиган қомил инсонни тарбиялаган бўламиз. Шу ўринда беихтиёр Президентимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра қўли, билими, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган ибратли сўзларини эслагимиз келади. Бу доно гаплар кўпроқ фарзанд тарбиясига дахлдор бўлган биз катталарга тааллуқли эканлигини унутмаслигимиз керак.

дан, замонасига ярашада, дея сизни замондан орқада қолганликда айблашади.

Яна бир гап: бир вақтлар рус тилида кўрсатиладиган ўзбекона ахлоқ-одобимизга зид бўлган фильм ёки кечки спектаклларни 16 ёшга тўлмаган ўғил-қизлар кўришига руҳсат этилмади. Афсуски, бугунги кунда кино заллари, театр қозоналари барча учун баб-баравар эшиklarини очиб қўйишибди.

гил туюлади. Ҳаёт билан ўлим доимо ёнма-ён яшашини тан олгимиз келмайди. Қачонки мана шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлгандагина кексаларнинг «Хар бир қадамнингги биллиб бос», деган сўзлари бошимизда қарх уриб қолади.

Кизик, ўйлаб ҳаялға толасан. Сўнгги вақтларда баъзи бировлар энг яхши анъаналари-мизни ичкиликсиз нишонламайдиган бўлиб қолишибди. Масалан, тўйда хурсандчилик учун ичилади, тўтилган кун ичкиликсиз ўтмайди. Уйга меҳмон келса, нозу неъмат тўла дастурхон устидан албатта ранг-баранг шишлар ўрин олади. Фақат шу бўлса, кошки эди-я, афсус майда-чуйда баҳоналар ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Ишга янги келган ишчи биринчи маошини албатта «ювиши» керак. Оилада фарзанд кўрилса, нишонланади. Янги кийим-кечак кийилса, баъзилар ҳатто битта рўмолча олишса ҳам «ювишади». Бундай одат қаердан чиқди. Қўпинча жиноят ва кўнгилсиз воқеалар муқаддимаси ана шу «ювишдан» бошланади.

Баъзан бир пиёла ичкилик билан ўлиб қола-санми? Юз грамм ароқ ҳеч нарса қилмайди. Дўстинг учун захар ют, деган сўзларни эшита-миз. Бу гаплар тағида киши билмас душман-лик ётганини тасаввур қилмаймиз. Шу туфайли энг яқин кишиларимизга дўстлик қиламиз деб баъзан душманнинг ишини қилиб қўйган-мизни билмай қоламиз.

Хат муаллифи «Уша машўум кунни эсласам, ҳали ҳам дил-дилдан йиғлайман. Шундай вақтда беихтиёр дўстимнинг қабрини зиёрат қилишга ошиқман. Унинг тепасида соатлаб туриб, кечирим сўрайман», деб ёзади.

Бирок энди кеч. Ҳар қанча узур сўраган билан ўлган одам кечирмайди. Кечира олмайди ҳам. Ҳаёт оқимидан тўғри сузган кишигина ҳеч қачон бемаврид мана шундай афсус-надомат чекмайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

лар ўтмишимизни бир зум кўз олдимишга келтирайлик. Ушундай «Ойнаи жаҳонда» биров ножиб, бепарда, беибо фильм ёки эшитириш кўрсатилса ота-онамиз дарҳол туриб телевизор муруватини бураб кўярди. Баъзида эса уятдан қизариб-бўзариб ўзимиз туриб кетардик. Ҳозирчи? Баъзи «маданий» оилалар шарм-хаёсиз сериалларни ҳам фарзандлари билан ёнма-ён кўриб ўтиришдан хижолат тортишмайди. Шундайларга бу ҳақда оғиз очсанг ҳеч тортинмас-

Бола — бегубор олам. У катталарга, айниқса ота-онага ўхшашга ҳаракат қилади, унга тақлид қилади. Бу табиий ҳол. Чунки уларда ҳали етарли билим, турмуш тажрибаси йўқ. Бир сўз билан айтганда яхши-ёмоннинг фарқи бормайди. Хўш, энди айтгинчи, бизнинг ахлоқ нормаларимизга қарама-қарши тарбия кўрган боладан келгусида нимани кутушимиз мумкин? Қобил фарзанд ҳақида кўп гапирарми-зу, лекин унинг тарбиясига етарлича ёндошмаймиз. Бунга истаганча ҳаётий воқеалардан мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бир ота-она дошизманддан: «Бизнинг ўғлимиз уч ойлик бўлди, унинг тарбиясига қачондан бошлаб киришимиз мумкин», деб сўрашди. Шунда дошизманд: «Бола тарбияси билан у уч кунлик бўлгандан бошлаб шуғулланиш лозим. Афсуски сизлар анча кечикибсанлар» деб жавоб берган экан.

Болага ҳали у мурғаклигини тўғри тарбия бериш ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи. Бунинг учун ахлоқ-одобда аввало ота-онанинг ўзи болага ибрат бўлмоғи керак. Ана шундагина биз давримизга, замонамизга мос ва ҳос, ўз халқига содиқ, ўзи тугилиб ўсган муқаддас замин — Ватанига фидойий бўладиган қомил инсонни тарбиялаган бўламиз. Шу ўринда беихтиёр Президентимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра қўли, билими, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган ибратли сўзларини эслагимиз келади. Бу доно гаплар кўпроқ фарзанд тарбиясига дахлдор бўлган биз катталарга тааллуқли эканлигини унутмаслигимиз керак.

УМАР ҲАЙЁМ РҮБҮЙЛАРИДАН

Фалакнинг устидан ким топти зафар
Ер қачон одам еб тўйибди, магар,
Мени емади деб кеккая кўрма,
Шошмай тур, кўп ўтмай
навбатинг келар.

Олам тузоғидан озод эмасмиз,
Бир нафас олмақдан
ҳеч шод эмасмиз,
Ҳаётга кўп шогирд бўлдиғи, хануз
Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

Бир гариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир ер юзин қилгандан овод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилгандан озод.

Сен-мендан олдин ҳам тун-қун бор эди,
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамнингни кўй,
Бу тупроқ қора кўз бир ниғор эди.

Ичганда ақлдан бегона бўлма,
Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма.
Истасанг қизил май ҳалол бўлишин,
Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

АҚЛ ҲАҚИДА

● Ақл билан ҳаёни энг яқин ва ажралмас дўст деб биламан, бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди.
● Дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир. Ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — хикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олижанонлик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-қуқуқини билмоқ — қаноатга; тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши ҳосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир.
● Истеъдод, ақл-идроқ эса икки хилдир: бири — табиий, яъни, онадан туғилма бўлиб, иккинчиси — касбий, яъни тажриба воситаси билан эришилган бўлади.
● Хар ким табиий ақл-идроққа эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса, у ўз орзусига етади.
● Фель-авторлари унча яхши бўлмасида, аслида ақли бўлган одамлар билан майли дўстлаш, уларнинг ақл ва камолидан, билим ва тажрибасидан баҳра ол. Лекин ёмон қилиқларини ўрганма.
● Олам турғунча, одам ўлгунча ақл, билим ва иш ўрганади.
● Илм — ақлнинг баҳоси йўқдир, Хар балога тенги йўқ қидир.
● Хусни латофатда назокатли Ақл-идроққа заковатли.
● Хусн қарил, кўл бўлур
Ақл ўсиб, гул бўлур.
● Ақл бўлмаган уй қўёшис эсимонга ўшайди.
● Инсоннинг бойлиги ақлда.

БОЛАЛИГИМИЗГА ҚИБ БЕРИНГ

ОНА ТИЛИМ

Алла бўлиб жаранглаган,
Она тилим — жон-у дилим.
Унга ахир пайвастадир,
Қадр-у қиммат, меҳр билим.
Буюқ Темур жаҳон бўйлаб,
Довруғини солган тилим.
Мир Алишер бобомлардан,
Мерос бўлиб қолган тилим.
Бобур Мирзо шеърларидан,
Ранг ва оҳанг олган тилим.
Шундай тилдан тонар бўлсам,
Ёки ўғай санар бўлсам,
Кийма-қийма бўлсин тилим,
Она тилим — жон-у дилим.

ОҚ БУЛУТ

Оппок булут, оқ булут,
Тоғ бағрига оқ булут
«Оқ олтин»ни тергунча
Шошма, озроқ ёғ булут
Оппок булут, оқ булут
Этагини қоқ булут

Турсунбой АДАШБОВ

бемаза гап айтса ҳам жон бори-ча хоҳайлигим.

Келишдик. Саид Аҳмад ака уч-тўртта қизик латифа айтди. «Кераида куламмиз?» деб қайта Саид Аҳмад аканинг гашига тета бошладик. Шунда у аэровокзал-нинг бир четидаги ўтириқчага ёлғиз ўтирилиб, шивирлай бош-лади. Мен яқин бордим.

— Саид Аҳмад ака, тинчлик-ми? Ўзингизга-ўзингиз шивирлай-яисиз?

— Шивирлайман-да, — ўқрайди Саид Аҳмад ака.

— Нималар депсиз?

— Э, кунинг курсин, Саид Аҳмад, даяпман. Самолёти уч-мас, латифа айтсанг кулмас, — сенга бу ерларда пишириб қўйибими, даяпман.

Аэровокзални кулги қоллади.

ИП

Халқ артисти Тарахоним-ни кекса ва ўрта авлод яхши би-лади. Бу ноёб истеъдод эгаси 80 дан ортқ хорижий элатларнинг қўшиқ ва рақсларини зўр маҳор-ат билан ижро этарди.

Концертдан сўнг ҳордиқ учун қиттак-қиттак олинганда Тама-рахоним таассуротларини мароқ билан, завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Синглиси Гаваҳ Раҳи-мова гоҳида «опа, кўп гапирар-сиз» деб қўярди.

Тарахоним тақлиф қирит-ди. «Гавҳархон, қачон мен кўп гапира бошласам, сен «опа, ип!» деб қўйгин. Мен дарров тўхтай-ман».

Ушлагани концерт жуда зўр файз билан ўтди. Тарахоним-ни ўшлик шинавандалар олқ-ишларга бурқашди. Концертдан кейинги дастурхон устида Тама-рахоним тўлиб-тошиб гапира бошлади. Гаваҳхон «опа, ип!» деди. Шунда Тарахоним син-глисига қараб: «Ҳадеб ип дея-верман, ҳозир заңжир бўлса ҳам узаман» деди. Гулдурс қаҳқаҳа янтради.

МУСОБАҚА

Олтимингчи йиллар. Ушнинг ҳозирги Зайнобидинов кўчаси

Темир кўча деб аталарди. Жура-чон афанди билан (ўша вақтда билимдон зиёлини афанди дейи-шарди) девор-дармиён қўшни эдик. У киши ўли Темурни ёшун-чи Қомил Яшиннинг жияни Ўйболжонга уйлamoқчи бўлди. Туй қуни Яшин, рафиқанс Халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбе-кистон халқ артисти Фотима Бо-рухова, санъат арбоби Ҳабиб Раҳмоновлар келишди. Туй ту-гагач, меҳмонларни тунашга биз-никига тақлиф этдик.

— Туйхонада ётаверамиз, — деди Ҳалима Носирова, — овора бўлмаганлар.

— Чиқарайлик, — эътироз билдирди Фотима Борухова, — бу ерда иккитагина хона экан. Хуррак тортиб, келин-куёвга ҳалақит бермайлик.

— Хавотир олмаг, Фотима-хон, — қулди Ҳалима опа, — Яшин ақанинг ҳам мусобақага тайёр турибдилар.

ҲҶКИЗ

Юсуф қизик, Охун қизик ва машҳур бастакор Ганижон Тош-матовларнинг яқин дўсти тўй бошлади. Бир кун аввал улар тўй эгасидан ҳол-аҳвол сўрагани бо-ришди.

— Айтилган қассоб келмаёт-ти, — хуноб бўлди тўй эгаси, — ҳўжини бугун сўйиш керак.

— Шунга ҳам ота тўри қози-хонами, шартга ўринадан турди Ганижон Тошматов. — Ҳўжини мана биз сўямиз-да. Пичоқ, қай

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганимиз
Домла бўлди...

• Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, кулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қомат киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулоимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, ифбат ва шунга ўхшаш бошқаларидир.

• Бойлигинга мағрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам ичи ниҳоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишни шожмасдан ўйлаб қил. Сиринги ҳаммага айтаверма, илмисиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғириб, умрининг зое ўтказма! Шейр:

Дилимда қанчалар
сўзим бор бироқ,
Шакарнинг кўпидан
озидир созроқ!
Оз сўздан киши
ҳеч бўлмас пушаймон,
Кўп сўздан кишига
етади зиён!

• Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастурхонининг лаззатсўнослари шундай айтадиларки, агар икки рафиқ Хон ёки дастурхон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-бировидан аввал қўл узатишга шошилмасдан, бир-бирига тақлиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монандлиги ва тўнғиз ҳамда бошқа хайвонлар каби ўзини овқатга отмаслик керак. Кимки, ёши хажатидан кичик бўлса, ёши каттароғи овқатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

• Меваларни ейшдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлослантинган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб емаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб, тозаласан зарурдир. Уй эгасининг қоидада шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Ўтирганларнинг қўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл тортомлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етати. Қўлни либосга артмаслик керак. Бу фаҳмисизлик аломатидир. Агар дастурмули бўлмаса қўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

• Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичади, покиза кийинади, хушхаво уйларда яшайди, керакисиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларини хариб қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун моллини ҳам, пулини ҳам аямайди.

• Тежамкор киши пулини керагидан ортқича сарфламайди. 10 сўмга олинандиган нарса учун ховлиқиб, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Хар бир ишда ўртача йўл тутди.

Биргина муқаддас ўтмишимизга ҳурмат билан қараётганимиз, унинг нури саҳифаларини кўзга суртиб, онг ва тафаккуримизни чарогон қилаётганимиз ҳар қанча таҳсинларга лойиқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги "Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Биз эндиликда юртимизнинг бугунги истиқболи, авлодларнинг маънавий камолотига айнан шундай заҳматкаш ватандошларимиз кўнгли ойнаси билан қарашимиз керак бўлади.

XX аср ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларининг бири Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек халқимиз маънавияти ва маданияти тарихида чуқур из қолдирган адиб сўз усталаридан биридир. Елғиз "Навоий" романининг ўзиёқ унинг чуқур билими, юксак ва ноёб истеъдоди ҳамда ёзувчилик салоҳиятидан дарак бериб туради.

Ойбек машҳур шоир ҳам эди...

Назм бобидан у бетакрор эди.

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса кўёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини қақиб бунда куч гувилайди...
каби мисралар инсон қалбидан Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳисларини уйғотади.

Ойбек домла ҳақида улуг инсон иборасини ишлатса муболага бўлмас. Зеро у фақат адабий мероси билангина эмас, ўта инсонийлиги, жасур ва танглиги, фидойилиги, дўстларга яхши меҳрибонлиги билан ҳам замондошларининг қалбидан мангу жой олган.

Куйида уларнинг хотираларидан баҳраманд бўласиз.

Саид АХМАД, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси:

— Ойбек қалам аҳлига гоёт гамхўр ва айни пайтда ҳаммага баравар қўли очик сахий одам эди. Чамаси, ўтган асрнинг 58-60 йиллари эди. Болалар шоири Қудрат Ҳикмат бўлиб, шоирнинг уй-жойи йўқ эди. Ойбек уни кўпинча уйга олиб кетар, мураббо билан меҳмон қиларди. (Қудрат мураббони яхши кўрган). Уй-жойдан сикилган шоирнинг кўнглини шу йўл билан ҳам олишга уринарди.

Ниҳоят, Ойбек ўз ҳаменидан пул сарфлаб Қудрат Ҳикматга ер олиб берди. Яна то иморат битгунча қўлидан келганча ҳомийлик қилиб, ёрдам

бериб турди.

Асқар ЗУННУНОВ, адабиётшунос олим:

— Ойбек кўнглида кири йўқ, ниҳоятда камтар ва кечиримли инсон эди. Маълумки, буюқ ёзувчи бошига ҳам қатагон йиллари кўп маломат тошлари отилган. 1958 йил Ўзбекистон Фанлар академиясида адабиёт бўйича ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида Охунжон Собиров халқ оғзаки ижодига бағишланган номзодлик

Ойбек таваллудининг

100 йиллиги олдидан

ЯХШИДАН
ҚОЛГАН НОМ

Улуғларни, буюқ зотларни эҳтиром этган, эъозлаган миллат, халқ қудратли ва шўхратли бўлади. Бу исбот талаб қилмас ҳақиқат.

Муस्ताқиллик буюқ аждодларимиз ўз авлодларига қолдирган бой маънавий бойликлар — ҳар қандай меъёрлар билан ўлчаб бўлмас бебаҳо маданий-маърифий меросни қадрлаш, тинимсиз, чуқур ўрганиш ва ажойиб анъаналарни давом эттириш, уларга замонавий руҳ бағишлаш, кўпайтириш, тарғиб-ташвиқ қилишга кенг имконият очди. Шу ўтган тарихан қисқа вақт ичида бир жабҳадан амалга оширилаётган муайян ишларга бир назар ташлаганимизда бунга гувоҳ бўламиз.

ишини ҳимоя қилаётгани. Унинг тарихимиз ҳолини ўқиб эшиттириш жараёнида бу одам бир пайтларда давлат ҳавфсизлик қўмитасида ишлаб, қандайдир бир давлат сирини "фот эшик"да айбланиб, фирқадан ўчирилган маълуф бўлиб қолди. Бундан кўпчилик ханг-манг бўлиб, бечора номзодлик ишини ҳимоя қилолмас керак деб турганди. Залга совуқ бир сукунат чўкканди. Шунда Ойбек домла сўз олиб, "Биз Собировнинг меҳнат фаолиятини эмас, унинг тайёрлаб келган илмий ишини, илмий салоҳиятини муҳофиз қилишимиз керак. Мен кенгашни давом эттиришни, диссертация мазмун-моҳиятини муҳофиз қилишни тақлиф этмаган", деди.

Илмий иш яхши ёзилган экан. Муҳофизатдан кейинги яширин овоз қўйилган иш етмиш икки овоз билан ўтди. Ўшанда ёнимда ўтирган Сарвар Азимов, "Қандай улуг инсон-а" дея шивирладилар. Муҳофизатдан кейин кенгаш иштирокчиларининг деярли ҳаммаси Ойбек акага миннатдорчилик билдирди.

Носир ФОЗИЛОВ, ёзувчи:

— Олтимышинчи йиллар эди. Ўша кезларда Абдулла Орипов энди шеърят оламига кириб келаятган ёш шоирлардан бири эди. Абдуллажон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш ниятида Ойбек акадан тавсиянома олиш ниятида мени ҳам бирга уларниқига боришга кўндирди. Домла жуда касал бўлиб, ўзларини анча олдириб қўйган эканлар. Лекин шунга қарамай, бизларни қабул қилдилар. Қанчалик хор-

фин кўринмасинлар, устознинг катта-катта қора кўзлари инсонга меҳр билан қараб турарди. Бундан юрагимизга дадла кириб, мақсадни айтдик.

Домла уйланиб қолди:

— Мен бу шоирни яхши билмас эканман, шеърларини ўқимаганман, — деб қолдилар.

Мен фурсатни бой бермай, Абдуллажондан янги ёзган шеърини ўқиб беришни илтимос қилдим. У яқинда Арманистонда бўлиб қайтиб у ердан олган таассуротлари асосида ёзган "Арманистон" шеърини ўқиб берди. Ойбек домла шеърни тинлар экан кўзлари қувонч билан порлар, кайфиятлари кўтарилган эди. У киши қалам қилиб, чўнтақларини пайпаслаб қолдилар, ҳеч иккиланмай тавсияномага имзо чекдилар.

Бу — масалага юзаки ёки енгил қараш эмас, балки буюқ даҳо сифатида шоирнинг биргина шеърининг унинг асл иқтидорини билиб олиш, чинкакам истеъдодни ҳис этиш қобилияти ва қалб уйғоқлиги аломати эди. Ойбек домлани ҳеч қандай масъулиятсизликда айблай олмас эди. Зеро, ижодга муносабатда у кишидай талабчан ёзувчилар кўп эмас эди. Гап домланинг ижодкор истеъдодини илғай билишида, бағри кенглигида ва гоёт ҳаср ёш эри туйғусида эди. Келажак эса — буюқ устоз шогирд танлашда янглишмаганини кўрсатди.

Худди шунга ўхшаш воқеа Бухорода ҳам бўлганди. У ерда адабиёт шинавандалари билан учрашувда Шариф бобо — Нурхон тахаллусли шоир ўз шеърларини ўқиган. Бу шеърлар Ойбек домлага маълуф қилиб, ҳар бир шеър ўқиши билан ҳиссиётларини яширолмади "Офарин, офарин" дея хурсандчилигини ихзор этарди.

— Халқимиз орасида қандай талантлар бор-а, — деди у ниҳоят умр йўлдоши Зарифахон опага қараб. — У оловдай ёниб, қайнаб, эҳтирос билан ўқиди шеърларини...

Ойбек домла пойтахтга қайтиши билан отахонини эслаб, ўша пайтдаги Ёзувчилар уюшмасининг раиси Комил Яшинга гапириб берди. Орадан кўп ўтмай шоир Нурхон уюшма аъзоси бўлди...

Ха, Ойбек фақат истеъдодли ёзувчи, нозиктаб шоир, ижодкорликда ҳеч туганмас илҳом манбаигина эмас, балки том маънодаги инсон ҳам эди. Қалби дарё, бағри кенг, саховатли, кечиримли, инсонпарвар, мард ва жасур бир одамда шунча фазилатларнинг жамланishi кўп ҳам учрайвермайди. Унинг фақат адабиётимиздаги эмас, балки оддий одамлар қалбига ҳам яшаб келаятганининг сирини шунда бўлса ажабмас.

Насриддин БОТИРОВ, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази масъул ходими.

Маънавий таскалларидан

КАСБГА МЕҲР

Устоз, муаллимлар жамиятимизда энг ардоқли, эъозли касб соҳибдилар. Уларнинг машаққатли ҳамда шарафли меҳнатлари доимо эътибордадир. Ўқитувчиларни ёш авлод бобгони деб атаёқ арзийди. Чунки улар жажжи фарзандларимизга илм жаҳоирларини териб, маънавий- маърифий озик бериб камол топишларида катта ҳисса қўшадилар.

Барнохон Зайнутдинова ҳам мана шундай шарафли касбини танлаганида отаси матбаачи Рамизхон ака Абдурахмонов, онаси Мамлакат опа қизларининг мақсадини маъқуллашиб, унга оқ йўл тилашди. —Болаларни зиё улашиш жуда улуг ва савоб иш дейишди хурсанд бўлиб.

Барнохон 1980 йилда ўқув юрти тугатиб, дастлаб Ҳамза туманидаги 224-болалар богчасида тарбиячи бўлиб ишлади. Сўнгра 198-мактабда логопед-муаллим, 1984 йилда эса уни 52-мактабга бошланғич синфлар муаллими вазифага тақлиф этишди. 1993 йилдан бошлаб у 153-мактабда жажжиларга сабоқ бериб келмоқда.

— Касбим билан фахрланаман, — дейди Барнохон. Бошлан-

ғич синф ўқувчиларига дарс бериш осон эмас. Болаларга бутун меҳрининг, қалбининг бағишлаш керак бўлади. Гоҳида жуда толиққан пайтларда болажонларнинг "Ассалому алайкум, устоз" деган икки оғиз каломатини шунчалар енгиллатишдики, ўзининг худди еттинчи фалак-та сезасан. Қўлга илк бор қалам тутиб, битта харф ёзган болакай ўзининг биринчи мўъжизасини яратди. Шу мўъжизага

дахлдор бўлиш қанчалар шарафли, қанчалар машаққатли.

— Инсон оилада, мактабда, жамоатчилик орасида шаклланади, — дейди "Умид" маҳалласи оқсоқоли Абдуазим Алланазаров мактаб ва маҳалланинг уйғунлиги ҳақида сўзларкан. — Мактабимиздаги хар бир муаллим ўз касбининг заҳматкаши. Улар зарур бўлса кунни тунга улаб ишлайдилар. Болаларни худди ўз фарзандларидек қўриб, судядилар. Мана шу фазилат ҳам Барнохонни иззат-ҳурматга сазовор этган бўлса ажаб эмас.

Бошланғич синфларга таълим бериш тошга нақш ўйишдек гап. Барнохон бу ишнинг удрасидан чиқади. У "Таълим тўғрисида"ги қонунда қайд этилганидек, сабоқ беришининг янги-янги услубларини излайди, топади, дарсида қўллайди. Синфдан ташқари мутолаа дейсизми, очик табиат дарси дейсизми, математика, она тили, адабиёт фанлари дейсизми, барчасига ўзига хос услубда ёндошишга интилади. Айниқса, болалардаги та-

шаббускорликка катта эътибор беради.

— Шогирдим Барнохондан жуда хурсандман, — дейди кекса педагог Матлуба Кароматуллаева, — мана, чорак аср бўлаптики, ўқиб, изланиб ўқитувчилик касбини унглаб келаяпти. То ханузгача ундан маслаҳатларимни аямайман. Изланувчан шогирдимга ҳаммиса суянақ бўлишга ҳаракат қиламан. У ўзининг меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги билан мактаб педагогик жамоаси ҳамда маҳалладошлари орасида ҳам обрў қозонди. Унинг олисасига ҳам ҳавас қилса арзишгулик. Илмини йўлдош қилган оилалардан бири.

Эрта билан ишга, мактабга отланган ўқитувчи нимани ўйлайди? Шу бугун болалар онгига битта бўлса ҳам маззунини синдиришни, бир донга бўлса ҳам сўзни ўргатишни ниёт қилади. Барнохон Зайнутдинова ҳам шундай. Ниятларининг доимо рўёбини кўринг, жонкуяр ва меҳрибон муаллими!

Махфуза НИШОНОВА

Шуффа олам

**ПАРВОЗ
КИЛИШ
МУМКИНМИ?..**

«Парвоз усули шундай. Жодугарлар малҳам тайёрлашади... иблис кўрсатмасига биноан уни бирор курси ёки таёққа суртишади, кейин ўша захотиб ҳавога кўтарилишади... Баъзан эса жодугарлар ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз, ботиний иблисона куч кўмагида учишади». Инсон парвози ўрта асрларда (1588 йил) чикарилган «Жодугарлар» номли китобда ана шундай оддий ва тушунарли қилиб тасвирланган.

Аммо, ўрта асрлардаги сеҳрлар парвоз қилиш учун фақат иблислар кучидан фойдаланмаган. Роҳиб Жердано Бруно роҳиб Фема Аквинскийнинг (1225-1274) парвозини тасвирлаган. Бу роҳиб шунчалик сидқидилдан сизинганки, ҳатто вазнини йўқотиб, ер узра парвоз қила бошлаган. Бундай ходисалар Франциск Лензский (1181-1226), Тереза Авильская (1515-1582), калертижелик Иосиф (1603-1663)лар билан ҳам содир бўлган... Парвозлар ҳақидаги маълумотлар шунчалик кўпки, бу гаройиб ҳодисага Левитация — вазнини йўқота олиш қобилияти, деган илмий ном берилган.

Хаёлий парвоз шундан иборатки, унда сезги ва ҳиссиёт аъзолари инсондан ажралиб чиқиб, мустакил равишда саёҳат қилишади. Бу вақтда инсон танаси, турган гапки ҳаракатсиз бўлади, аммо унинг онги эркин парвознинг барча кечинмаларини ҳис қилади, катта масофага учиб ўтиш ва ердаги воқеяни кузатишга қодир бўлади. Бундай усул ёрдамида узоқдаги ҳамсухбат билан ҳам фикрий алоқа ўрнатиш мумкин.

Астрал левитациянинг оддий кўникмаларини қуйидаги машқлар ёрдамида бажаришнинг мумкин. Қоронғулик тушган вақтда алоҳида хонага кириб, ёлғиз қоласиз, юмшоқ ўриндиққа чўкиб ички ҳиссиётларингизни жамлаясиз. Тўла сокинлик ва вужудингиз тобора янгиланиб бораётганига ўзингизни ишонтирасиз. Шу билан бирга аввал ўнг, сўнгра эса чап кўлингиз вазнини йўқотаётганини тасаввур қилинг. Агар кўлингиз ўз-ўзидан кўтарила бошласа, ажабланманг. Кейин, шундай усул билан баданингиз қолган барча қисмини вазнесизлаштирасиз, аста-секин сиз енгиллик ва парвозни ҳис қила бориб ёқимли жазавага тушасиз. «Парвоз дастури» олдиндан хаёлий тўйинтириш йўли билан белгилаб олинади. Шуни таъкидлаш лозимки, астрал парвоз яхши дам олишга, шахсий руҳий қобилиятларни ривожлантириш ва соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Анжуманлар

**СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ**

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш, уни замон талаблари даражасида қайта ислох этишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Аслида тизимини ривожлантириш борасида қўйилган илк қадамлар мустақилликнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Ҳозирда эса соҳадаги ечимини кутиб ётган муаммоларни ҳал қилиш, аниқ мақсадларга йўналтирилган лойиҳалар устида изчил изланишлар олиб боришда қатор амалий ишлар бажарилаётир.

Яқинда Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежида бўлиб ўтган семинар-тренингда ҳам ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидagi мавжуд муаммолар юзасидан фикрлар алмашилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу семинар-тренинг ҳукуматимиз ҳамда Осиев Тараққиёт Банки (ОТБ) томонидан имзоланган «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси меморандуми шартларини бажариш мақсадида ташкил этилди. Унда пилот таълим муассасаларининг йигирма икки нафар раҳбари уч кун давомида талабаларни умумтаълим фанлари билан бир қаторда касбга йўналтириш борасидаги талаб ва тақлифларни кўриб чиқдилар.

Шу ўринда семинар-тренинг бўлиб ўтган Тошкент радиотехника ва автоматика коллежидаги таълим жараёни ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсак.

Коллеж ўтган асрнинг 80-йилларида техникум сифатида очилган эди. Истиқлолдан кейин Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бириктирилган бу таълим маскани эндиликда ОТБ кредити лойиҳасига кирган пойтахтимиздаги тўртта коллежнинг бири ҳисобланади. Бу ерда таълим олаётган талабалар турли фанлардан пухта билим, кўникмага эга бўладилар.

Энди бевосита анжуман хусусида тўхталади дегунда, семинар-тренинг давомида республикамиз пилот таълими муассасалари етакчилари ўзлари раҳбарлик қилаётган коллежадаги таълим суръатини жадаллаштиришга мўлжалланган беш йиллик стратегик иш режасини тузиб чиқдилар. Ва мазкур иш лойиҳа бош режасига мувофиқ Германия, Австралия, Англия сингари давлат-



лардан ташриф буюрган экспертлар томонидан ўз баҳосини топди.

Тадбирнинг якуловчи куниде тренинг иштирокчилари бўлган коллеж раҳбарларига сертификатлар топширилди.

Худди ана шундай семинар-тренинглар Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, таълимни ривожлантиришга қаратилгани ана шундай тадбирлар мамлакатимиз ёшларининг ҳар томонлама етук бўлиб улгайиши учун ўзига яраша ҳисса қўшишига шак-шубҳа йўқ.

**Хидирали ПАНЖИЕВ
СУРАТДА: катнашчилар коллежда яратилган шарт-шароитлар билан танишмоқдалар.**

Мунажжим башорати

КУНИНГИЗ ХАЙРЛИ ЎТСИН

22 февраль, сешанба

Бугунги кунни фаол ташаббуслар ва кескин ҳаракатлар кунини дейиш мумкин. Танбалликка, тушкунликка ўрин йўқ. Гафлат уйқусидан ҳам ўзингизни эҳтиёт қилинг. Бугун соат 15 дан кейин қилган ишлар албатта муваффақиятли якунга эга бўлади. Саёҳатларга чиқиш, таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш, муҳим қарорлар қабул қилиш мумкин.

Бугунги кун билим олиш, матнлар ва рамзлар билан ишлаш учун ҳам қулай ҳисобланади. Лекин кечкурун жанжал-можаролар чиқиши эҳтимоли йўқ эмас ва буни ёдда тутиб, эҳтиёткорроқ бўлганингиз маъқул. Маслаҳатларга, сизни ким қаерга тақлиф этаётганига, ҳар қандай майда-чуйдаларга, тақдир аломатларига ва тасодифий туюлган ҳолатларга эътибор қилинг. Зеро, бу кунни шайтон филдари ҳам дейишади.

Мунажжимлар фикрига кўра,

шу кунни даҳолар дунёга келармиш. Кўпроқ олов ёнида бўлиш, дағал овқатлар тановул қилиш, гўшт истеъмол қилиш мумкин, аммо пиво ва аччима билан боғлиқ бошқа ичимликларни ичмаслик керак.

Мабодо, бирон жонивор сизга ташланса, тирноғингиз ёки тишингиз синиб қолса, уй-рўздордаги бирон нарса синса — улар қандайдир нохушликлардан хабардир. Уткир металл буюм топиб олиш эса — яхшиликка йўйилади.

Бугун кечаси ва келгуси оқшоғда кўрадиган тушларингиз асосан ўнгидан келади. Уларни эслаб қолсангиз ва ҳатто ёзиб қўйсангиз яхши бўлади. Чунки улар келажакда асқотиши мумкин.

Кўзларингизни зўриқтирманг, узоқ-узоқ кўзгуга тикилиб ўтирманг. Танани тозалайдиган ҳар қандай муолажалар фойдали.

Кийинишда қизил ва ёрқин сариқ ранглар бугунги кунга мос келади. Қора ва шунинг-

дек, кулранг ҳамда сиёҳранг либосларни четга суриб қўя туринг.

БУГУН:

— ўзингиз бемалол ўйлаб ҳал эта оладиган ишлар билан шуғулланиш;

— ижодий қобилиятингиз ва раҳбарлик лаёқатингизни намойиш этиш;

— бошлиқлар ва ҳокимият кучига эга бўлган амалдорлар билан мулоқотда бўлиш,

— ҳар қандай муаммоларни ноанъанавий йўллар билан ечиш,

— муайян чегарада ўз менингизни намойиш этиш тавсия этилади.

Тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, бировларнинг сирларини очибга уриниш, келгуси режаларни тузиш, ирим-сиримларга керагидан ортик эътибор қилишдан ўзингизни тийинг.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I
филиали абонентлари ва интернет тармоқлари провайдерлари диққатига!

Ўзбектелеком АК TShTT филиалининг хурматли абонентлари

Интернетга модем алоқаси бўйича уланган абонентлар телефонлари орқали хорижий алоқа тармоқлари телефонларига ноқонуний кўнгирак қилиш ҳоллари кўпайиб бораётгани туфайли қуйидагини маълум қиламиз:

Абонент ўзининг телефонига уланган компьютернинг автоматик кўнгираги йўли билан халқаро ва шаҳарлараро телефон тармоқларига чиқиши учун молиявий жавобгарлиқни зиммасига олади.

Интернетда ишлаш борасида Абонентларга эслатма:

Файраахлоқий матнга эга, зўравонлик, терроризм, фахшни тарғиб этувчи сайтларга кириш жоиз эмас. Шундай сайтларнинг кўпчилиги Интернетга бепул кириш билан бирга компьютерингизга вирусларни ёки ахборот олишни яширин автоматик тарзда ўрнатиш, телефонингиз орқали халқаро телефон алоқасига автоматик чиқишни амалга ошириш имконини берувчи эслатма ва баннерларга эга бундай дастурлар (Dialer) ёқилган компьютерда доимо фаол бўлади ва сизнинг телефонингиздан кўнгироқни мустакил равишда амалга оширади. Бу эса АТСда халқаро сўзлашув каби тарифланади. Агарда кўнгирак амалга ошган бўлса, Сизга ХАЛҚАРО СЎЗЛАШУВ УЧУН ҲИСОБ КЕЛАДИ. Бунда мазкур дастур рақам терилишидаги овозни ўчириб қўяди ва шу вақтда абонент Интернетда ишламаётган бўлиши ҳам мумкин.

Тавсиялар:

- телефонингизга ҚХТ хизматлари — парол бўйича халқаро алоқани ўрнатинг;
 - Интернетда ишламаётган пайтда ташқи модемни ўчиринг;
 - Интернетда ишламаётган пайтда модемдан телефон линиясини ўчиринг.
- Dialer дастурлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни Интернетнинг қидирув сайтларидан топасиз.

Қўшимча хизмат турлари (ҚХТ)ни ўрнатиш тартиби тўғрисидаги маълумотларни телефон алоқаси узелидан олишиңиз мумкин.

TShTT Маркетинг ва тарифлар бўлимининг маълумотлар учун телефони: 55-77-17

ТОШКЕНТ ОҚИШОНИ
газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95
ТОШКЕНТ ОҚИШОНИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

ФИДЕНИНГ ҚАРОРИ

Маълумки, ўтган йили Ливиянинг Триполи шаҳрида ФИДЕ (Халқаро шахмат федерацияси) ташаббуси билан уюштирилган жаҳон чемпионати ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга омад келтирганди. У финал баҳсида ғолиб чиқиб жаҳон чемпиони дея эътироф этилганди.

Шуниси эътиборлики, мутлақ жаҳон чемпиолиги учун кечадиган баҳса Рустам Қосимжонов Гарри Каспаров билан белланиши лозим эди.

Куни кеча ФИДЕ қароргоҳида мутасаддилар иштирокида ўтказилган йиғилишда Каспаров — Қосимжонов баҳси ўтказилиши маълум қилинди. Қувонарлиси, ушбу баҳсга ҳар икки томоннинг ҳам қизиқиши билан қараётганлиги туфайли молиявий масалалар ечимини топган. Энди ушбу беллашув апрель ойида Туркияда уюштирилади.

Биз эса кўп минг сонли мухлислар номидан ҳамюртимизга ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ГЕЙНРИХ ЯНА «ПАХТАКОР»ДА

Россиянинг ЦСКА жамоасидан «Химки» клубига ижарага берилган ҳужумчи, терма жамоамиз аъзоси Александр Гейнрих «Химки» таркибига ўйнамайдиган бўлди.

Клуб раҳбарлари Александр билан шартнома тузишмагач, у жорий мавсумни ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Гейнрих мамлакат чемпиони «Пахтакор» таркибига қўшилган. Кизиги, ҳозирча «Пахтакор» клуби раҳбарияти Гейнрих билан 6 ойга шартнома имзолади.

ЯНГИ БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда миллионлар ўйинини янада оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида қатор ислохотлар амалга ошириладиганлиги қувонарли ҳол.

Яқинда ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти томонидан ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида федерация қoшида янги бўлим ташкил этилди. Янгидан иш бошлаган Болалар футболни ривожлантириш бўлимига Осие футбол конфедерацияси йуриқчиси Вадим Шодиметов раҳбарлик қилса, мутахассислар Мирзохид Гуломов ҳамда Хусан Маълумов унга ёрдам беришади.

(Ўз мухбиримиз)

Спорт рақслари

ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Маълумки, жаҳонда кейинги йилларда спорт рақслари кенг оммалашиб бормоқда. Чиройли, жўшқин ҳаракатларга асосланган, рақс ва гимнастиканинг турли йўналишларини ўзида уйғунлаштирган спорт рақслари бўйича жаҳон, Европа чемпионатлари, турли нуфузли халқаро мусобақалар ташкил этилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, спорт рақслари республикаимиз ҳаётига ҳам кенг сирларини катта қизиқиш билан ўзлаштирмоқдалар. Кўпроқ ёшлар ўртасида турли-туман қизиқарли мусобақалар ўтказилмоқда.

Куни кеча Халқаро спорт рақслари федерациясининг ўзбекистон бўлими, Болгария маданият маркази, «El greko» рақс-спорт клуби ташаббуси билан шахримиздаги 72-мактабда рақс-спорт клубларининг «NEW ASIAN STILE-2005» очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Турнирда «El greko», «Феникс», «Элекс», «Ёшлик», «Булок» ва бошқа клубларнинг ёш, иқтидорли вакиллари иштирок этишди. Умуман, ёшларни спорт рақслари бўйича ўтказиладиган турли-туман мусобақалар-



кириб келмоқда. Жойларда рақс-спорт клублари очилиб, ёшлар янги спорт тури



га тайёрлаш мақсадида ташкил этилган биринчилик баҳсларида 130 га яқин болалар катнашиб, ғалаба учун кураш олиб боришди.

СУРАТЛАРДА: биринчилик иштирокчилари мусобақага тахт; болалар ўз маҳоратларини кўрсатишмоқда. Наталья Семёнова олган суратлар.

Мағнавият

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН

Атоқли ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Бу кутлуг сана мамлакатимиз умумтаълим мактабларида ҳам муносиб нишонланади.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими муассасаларида мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги буйруғи асосида белгиланган тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Таълим муассасаларида адиб ижоди ва ҳаётининг кенг ўрга-

нилишини ташкил этиш мақсадида республикаимизда «Ойбекхонлик» кунлари ўтказишга киришилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ва маърифатпарварлар жамиятининг худудий бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган учрашувлар, давра суҳбатларида кўзга кўринган сўз ус-

талари, адабиётшунос олимлар қатнашмоқдалар. Бундан ташқари «Ойбек асарлари билимдонлари» танловини ҳам эълон қилинди. Айни вақтда «Ойбек» ўқув фильми суратта олиниб, юбилей кунларида мухлислар эътиборига ҳавола қилинади.

Ақбар АЛИЕВ

ЯНГИ ФИЛЬМ

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Девона» бадий фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Фильмни Асад Дилмурод сценарийси асосида режиссёр Собир Назармухамедов суратга олган.

Фильмда икки ёшнинг соф муҳабати ҳақида ҳикоя қилинади. Шу билан бирга томошабинлар унда от шайдоси Эргаш ака билан юзлашадилар. Ўзи меҳр кўйган отнинг тасодифан йўқолиб қолиши Эргаш ака феъл-аъворининг яширин қирралари очилишига сабаб бўлади.

Бош ролларни Дилбар Икромова, Эркин Комилов, Мурод Ражабов ижро этган. Шунингдек, фильмда Улуғбек Қодиров, Шухрат Нурматов, Шахло Ҳожиева сингари ёш актёрлар ҳам иштирок этган. Янги картинани оператор Ҳамидулла Ҳасанов тасвирга туширган.

МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида Григорий Шевяков таваллудининг 100 йиллиги ва Георгий Чигановнинг 80 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон акварел санъати усталари» кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазмада Г. Шевяковнинг «Орол», «Хива», «Мирзачўл», «Бойсун», «Ўзбекистон йўллари бўйлаб», «Иссиққўлда», «Болтиқбўйи бўйлаб» каби 30 дан ортик асарлари намойиш этилмоқда.

Расомнинг портрет жанридаги асарлари па-

стел услубида яратилган. Хусусан, аёллар ва болалар образи ижодкор томонидан маҳорат билан яратилган. Мусаввирнинг акварият асарлари акварел бўёғида ишланган.

Акварел санъати усталари бўлган бу икки ижодкорнинг яратган

асарлари юртимиздаги кўпгина нуфузли музейларда ва Россиядаги санъат галереялари, қолаверса, хорижий давлатлар фуқароларининг хусусий тўпламларидан муносиб ўрин олган.

Алишер АЗИМОВ, «Туркистон-пресс»

Табиаат ажойиботлари

ДЕНГИЗ ТОЙЧОҒИ

Биз насл учун қайғуриш фақат урғочи жониворларга хос деб айтишга ўрганиб қолганмиз. Баъзан насл учун қайғуриш тўла-тўқис эркак жонивор зиммасига ҳам тушади. Унча катта бўлмаган қолюшка номли балиқча бунга яхшигина мисол бўлади.

Қолюшканинг эркаги сувнинг саёз қирғоқларига чиқиб бўлажак авлод учун ил қуришга киришиб кетади. Бунда сув ўтлари асосий қурилиш ашёси ҳисобланади. Уйининг атрофини ўт поялари билан беркитиб елимсимон оқсарик ёпишқоқ модда билан қотириб чиқади. Бундай елимсимон модда эркак балиқчанинг буйрағидан ишлаб чиқарилади, яъни урчиш даври бошлангандан сўнг унинг сийдик пуфағида ана шундай елимсимон модда тўпланади. Бир неча кундан кейин балиқ уяси ҳам тайёр бўлади ва эркак қолюшка урғочи балиқни ўзига чорлайди. Урғочи балиқ имошорига тушунмаса ёки сусткашлик қилса эркак қолюшка нинасини санчиб ҳам олади. Унга бир неча урғочи балиқ тухум қўяди. Шундан сўнг эркак балиқ инига ҳеч қандай урғочи балиқни яқинлаштирмайди.

10-12 кун ўтган уядаги увилдириклардан жажжи балиқчалар пайдо бўлади. Ота балиқнинг ишлари янада кўпаяди. У уянинг томини очиб ташлайди. Чунки балиқчаларга кўпроқ кислородли сув ва ёруғлик зарур. Уядаги балиқчаларга эркин сувга чиқиб кетишга руҳсат берилмасида баъзан балиқчаларнинг қочиб кетиш ҳоллари кузатилади. Бунда ота балиқ чочқоқларни оғзида тутиб уясига қамайдди. Ана шундай ғамхўр отанинг назоратида балиқчалар, кундан-кун ўсиб воға етади ва мустақил бўла бошлайди.

Эркак жониворларнинг насл учун қайғуришига яна бир мисол. Тропикнинг чўчүк сувларидан кўрт номли балиқ учрайди, эркагининг елкасида суюқсимон илмоғи бор. Сувга ташланган увилдириклари бир-бирига ёпишган икки тутам тасмадан иборат бўлиб, эркаги ана шу илмоғи ёрдамида увилдирикларини елкасига ташлаб олади ва балиқчалар пайдо бўлгунча ўзи билан олиб юради.

Денгиз тойчоғи деган балиқнинг эркагининг кўкрағида унча катта бўлмаган халтачаси бўлади. Урғочиси увилдирикларини ана шу халтачага ташлайди. Халтачанинг деворлари қон томирига бой бўлиб, кўп микдорда елимсимон суюқлик ишлаб чиқаради ва совун кўпиги сингари увилдирикларини ўраб олади. Елимсимон модда ёғ ва оқсиллардан иборат бўлиб, дастлабки кунларда ёш балиқчалар учун ягона озуқа манбаи ҳисобланади.

Губан номли балиқ увилдиригини сувга ташлаганида эркак балиқ келиб уларни оғзида тўплайди. Жажжи балиқлар пайдо бўлгунча отасининг оғиз бўшлиғида яшайди, лекин улар вақти-вақти билан сайр қилгани қисқа муддатга чиқиб турадилар ва тез қайтадилар ва яна ота оғзини тўлдирдилар. Балиқчалар воға етиб мустақил бўлгунча ота балиқ озикланмайди, у том маънода оч қолади.

Яхё ДАВЛАТОВ

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет ускунада босилади.
5099 нусxada босилди. Қўроғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқиди.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни etkazиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент поштамга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.